

## **УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТУВЧИННИГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ**

**Тошуплатова Дилдора Хайдаркуловна, Игамкулова Зилола Муродовна**  
*А.Кодирий номидаги ЖДПИ, Физика ва уни ўқитиши методикаси кафедраси*  
*ўқитувчилари*  
*e-mail:dildora87@jspi.uz*

**Аннотация.** Таълим тарбия соҳасида ўқувчи шахсини шакллантиришида педагогик кадрларга қўйиладиган талабларни кўрсатиб бериши ва ўқувчиларни ҳар томонлама баркамол шахс этиб тарбиялаши, уларга мустақил фикрлашини, ўзлигини англашини, билимларни ўрганишида, мактабда ва мактабдан ташқари ишларда фаолликни, бой маънавиятимиз ва қадриятларимизни ўргатиш.

**Калим сўз ва иборалар.** Инновацион фаолият, таълим, тарбия, баркамол шахс, мактабдан ташқари ишлар, мустақил фикр, интерфаол усул.

\*\*\*

**Аннотации.** Демонстрация требований к педагогическому составу в формировании личности учащегося в сфере образования и воспитание учащихся как разносторонних личностей, обучение их самостоятельному мышлению, самосознанию, активности в обучении, активной в школе и внеучебной деятельности, нашей богатой духовности и ценности.

**Ключевые слова.** Инновационная деятельность, обучение, воспитание, гармонично развитого человека, внеклассная деятельность, самостоятельное мышление, интерактивный метод.

\*\*\*

**Abstract.** Demonstration of the requirements for the teaching staff in the formation of the student's personality in the field of education and the upbringing of students as versatile personalities, teaching them independent thinking, self-awareness, active learning, active in school and extracurricular activities, our rich spirituality and value.

**Key words.** Innovative activities, training, education of a harmoniously developed person, extracurricular activities, independent thinking, an interactive method.

Таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш, уни эртанги кун талабларига мувофиқ юксалтириш йўлидаги ўзгаришлар илдам қадамлар билан амалга оширилмоқда. Бу соҳадаги асосий хужжатлар 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёrlаш миллий дастури бўлиб, уларда республикамида таълим тизимини устувор соҳа сифатида ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Келажагимиз эгаси бўлган ҳозирги ёш авлодни комил инсонлар, етук мутахассис этиб тарбиялаш педагогларнинг жамиятимиз олдидаги масъулиятли ва муқаддас

вазифаларидан ҳисобланади. Бу вазифаларни бажаришнинг сифати ва самарадорлиги ўқувчиларга таълим бериш жараёни билан чамбарчас боғлик.

Ҳозирда таълим тизимининг асосий вазифалари ўқувчиларни ҳар томонлама баркамол шахс этиб тарбиялаш, уларга мустақил фикрлашни, ўзлигини англашни, билимларни ўрганишда, мактабда ва мактабдан ташқари ишларда фаолликни, бой маънавиятимиз ва қадриятларимизни ўргатиш, ўз шахсидаги "мен" ини танитиш, юксак ахлоқий фазилатлар ва эстетик руҳда тарбиялашдан иборат.

Физика фани умумий ўрта таълимнинг таркибий қисми бўлгани сабабли, бу жараёнда ўқувчи шахсининг мукаммал ривожланиб боришини таъминлаш зарур. Бу эса физика фани ўқитувчиларига жиддий масъулият юклайди. Улар 6 синф ўқувчиларига ўаётимизнинг ажralmas бўлаги табиий фан физика фанига қўникириб, замонавий билимларни эгаллашга ўргатади. Таълимнинг кейинги босқичида муваффақиятли ўқишлирага замин яратади.

Бундан асосий мақсад ўқувчиларнинг ўқишига қизиқишиларини, дарсда фаол бўлишларини, мустақил фикрлаш ва шахсий ижодкорлик қобилияtlарини шакллантиришдан иборат. Табиий билимларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш методларини, илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишда маълум қийинчиликларга дуч келади. Бу эса ўқитувчилардан англаш ва таҳлил қилиш малакалари ривожланмаган ўрта мактаб ёшидаги ўқувчиларга мос келадиган инновацион технологияларни танлаб олиш, уларга муайян шароитларга мувофиқ ўзгартиришлар киритиб, таълим жараёнига мослаштириш йўлида изланувчанлик ва ижодкорликни талаб этади. Юқори синфларда инновацион технологиялардан фойдаланиб дарсларни ташкил этиш, таълимда юқори сифат ва самарадорликка олиб келади. Таълим тизимидағи инновацион технологияларнинг йўналишлари, юқори синф ўқувчиларининг таълим мазмунини ўзлаштиришларига инновацион ёндашиш, таълим жараёнида интерфаол таълим методларини танлаш ва амалда қўллаш орқали ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш долзарб педагогик муаммо ҳисобланади. Юқори синф таълим муаммоларига бағишланган бир қатор адабиётларни ва ўқитувчиларнинг илғор педагогик тажрибаларини ўрганиш ҳамда шахсий иш тажриба асосидаги таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, умумий ўрта таълимнинг асосий пойdevori ҳисобланган табиий фанлар таълим жараёнидан қўзланган мақсадларга эришишнинг зарур шартларидан бири ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш билан бевосита боғланган. Таълим жараёнида ўқувчиларни фаоллаштиришнинг замонавий усувлари орасида интерфаол усувлар алоҳида аҳамиятга эга. Шу муносабат билан таълимдаги

инновацион технологиялар орасида интерфаол таълим технологиялари жиддий ўрин тутади. Ўқувчилар физика фани материалини интерфаол таълим воситасида ўзлаштириш орқали керакли билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб борса, таълим самарадорлиги кафолатланади. Бу йўналишдаги камчиликни бартараф этишнинг йўлларидан бири дарсларни интерфаол усулда ташкил этиш ҳамда ўқувчиларнинг интерфаол усулларда таълим олишлари учун зарур кўникма ва малакаларини ҳосил қилишдан иборат.

Ўқувчилар фаоллигини интерфаол усуллар орқали дарс жараёнида ошириш бўйича физика фани ўқитувчилари катта имкониятларга эга эканликларини ҳисобга олган ҳолда шундай машғулотларни ташкил этувчи фаолият мазмунини аниқлаш, уни амалга ошириш методикасини такомиллаштириш, унинг психологик-педагогик жиҳатларини таҳлил этиш ва шу асосда физика фани ўқитувчиларини ўқувчиларга интерфаол усулда таълим беришга тайёрлаш, улар учун назарий ҳамда услубий тавсиялар ишлаб чиқиши заруриятини туғдиради.

Юқори синф ўқувчиларининг ақлий салоҳияти ўсиб бориши, уларнинг таълим мазмунига чукурроқ кириб боришга интилиши, технологиялардан ахборот-коммуникацион фойдаланиб дунё янгиликларини билишга қизиқишилари, ўқитувчилардан ўз устларида тинимсиз изланиш, бугунги кун нафаси билан яшаш ҳамда таълим соҳасидаги энг сўнгги янгиликлардан боҳабар бўлиб боришни талаб этади. Замонавий ўқитувчиларнинг ўз ўқувчиларига таълим-тарбия бериш жараёнига ижодий ёндашган ҳолда фаолият олиб боришларини ташкил қилиш, бунинг учун уларда мустақил ишлаш ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда дарсларни ташкил этиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга асосий эътибор бериш керак бўлади.

Педагогик фаолиятда инновациялар қанча кўп бўлса, ўқитувчи ўзининг хусусий педагогик тажрибасини шунча яхши тушунади. Бу эса ўқитувчининг инновацион фаолият субъекти ва ташкилотчиси сифатида янгиликни яратиш, қўллаш ҳамда такомиллаштиришда иштирок этишини кенгайтириб бориш имкониятини беради. У фандаги янгиликлар ва анъаналардаги ўзгаришларнинг мазмун ва моҳиятини таҳлил эта билишга кўнишиб боради.

Бугунги қунга келиб, таълим тизимидағи инновациялар қўйидагича тавсифланмоқда:

- фаолият йўналишига қараб (педагогик жараёндаги, бошқарувдаги) инновациялар;
- киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра (радикал, модификацияланган, комбинацияланган) инновациялар;

- ўзгаришлар кўламига кўра (локал, модулли, тизимли) инновациялар;
- келиб чиқиш манбаига кўра (шу жамоада яратилган - ички ёки ташқаридан олинган-ташқи) инновациялар.

Инновацион фаолият- педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, тараққий эттирувчи, замон билан қадам ташлашга ёрдам берувчи жараёндир.

"Инновацион фаолият - бу янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётда ўрганаётган меъёрларнинг мавжуд меъёрлар билан тўқнашуви натижасида вужудга келган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолиятдир", деб таъкидлайди В.И.Слободчиков. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг марказий масаласи ўқув жараёнини самарали янгиланишлар, ўзгаришлар, яъни том маънодаги ташкил этишдан иборат.

Инновацион фаолият даврида янгиликлар, янгиланишлар, ўзгаришлар, яъни том маънодаги инновациялар таълим тизимиға кириб келади ва у тўрт босқичда амалга оширилади.

1. Муаммони таҳлил асосида аниқлаш.
2. Мўлжаланаётган таълим тизимини лойихалаш.
3. Ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш.
4. Ўзгаришларни амалга ошириш.

Инновацион фаолиятга тайёрлашдан бош мақсад - ўқитувчиларнинг янгиликка интилевчанлигини, янгиликни мустақил излаш, яратиш, қўллаш кўникума ва малакасини шакллантириш, илғор педагогик технологиялар, интерфаол методлардан фойдаланиб дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ўтказиш маҳоратини такомиллаштиришдан иборат.

Инновацион фаолият ўқитувчининг ўз фаолиятидан қониқмаслигидан келиб чиқади. У ўқитувчининг у ёки бу педагогик вазифани ҳал килишда қандайдир тўсиққа дуч келиши ва уни муваффақиятли ҳал этишга интилиш асосида юзага келади. Инновацион фаолият янги ғояни излашдан бошланади. Педагогик инновация таълим-тарбия жараёнидаги муҳим ва мураккаб масала ечимиға йўналтирилганлиги сабабли ўқитувчидан ўқув жараёнига, уни бошқаришга янгича ёндашувни талаб этади.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг тузилишини таҳлил қилишда турли хил ёндашувлар мавжуд. Масалан, А Никольскаянинг фикрича, фаолиятни янгилаш З-босқичда амалга оширилади. Улар: -тайёргарлик; - режалаштириш; -амалиётга жорий этиш босқичларидан иборат.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Toshpulatova, D., & Kinjemuratova, A. (2020). Teacher Perceptions on Developing Students' Critical Thinking Skills in Academic English Module. *International Journal of Psycho-Educational Sciences*, 9(1), 48-60.
2. Тошпулатова, Д. (2020). ФИЗИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА СОЛНЕЧНОЙ БАТАРЕЙКИ НА ОСНОВЕ ГЕТЕРОСТРУКТУРИРОВАННОГО ФОТОЭЛЕМЕНТА. *Физико-технологического образования*, (1).
3. Taylanov, N., Tosho'latova, D., & Urazov, A. (2020). ПАЛЦЕОБРАЗНАЯ НЕУСТОЙЧИВОСТЬ В СВЕРХПРОВОДНИКАХ. *Физико-технологического образования*, (1).
4. Orishev, Jamshid (2021) "PROJECT FOR TRAINING PROFESSIONAL SKILLS FOR FUTURE TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16.
5. Ismailov T.J, Tagaev X, Kholmatov P.K, Yusupov K.Y, Alkarov K.Kh, Orishev Zh.B Karimov O.O. (2020). Cognitive-Psychological Diagram Of Processes Of Scientific And Technical Creativity Of Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(08), 3669-3677.
6. Оришев, Ж. Б. (2019). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Интернаука*, (43-2), 70-72
7. Убайдуллаев, С., Оришев, Ж. Б., & Ортиқова, О. Ш. (2019). УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА" ДАРСЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАНАФФУС" ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИГА АСОСЛАНГАН ЭЛЕКТРОН ҚҮЛЛАНМАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ. *Интернаука*, (20-3), 62-63.
8. Тагаев, Х., Убайдуллаев, С., Алкаров, К. Х., & Оришев, Ж. Б. (2016). ПОВЫШЕНИЕ ПАТЕНТНЫХ ЗНАНИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1776-1780).
9. Тайланов, Н. А., Урозов, А. Н., Жуманов, А. Х., Атамуродов, С. Ф., & Уринов, Х. О. (2019). О критической температуре сверхпроводящего фуллерена C<sub>28</sub>. *Молодой ученый*, (11), 13-15.
10. Тошпулатова, Д. (2020). ФИЗИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА СОЛНЕЧНОЙ БАТАРЕЙКИ НА ОСНОВЕ ГЕТЕРОСТРУКТУРИРОВАННОГО ФОТОЭЛЕМЕНТА. *Физико-технологического образования*, (1).
11. Тайланов, Н. А., Худойбердиев, Г. У., & Урозов, А. Н. (2020). МОДЕЛИРОВАНИЕ ЛАБОРАТОРНОЙ РАБОТЫ ПО КВАНТОВОЙ ФИЗИКЕ. In *ОБРАЗОВАНИЕ, ВОСПИТАНИЕ И ПЕДАГОГИКА: ТРАДИЦИИ, ОПЫТ, ИННОВАЦИИ* (pp. 118-120).

- 12.Taylanov, N. A., & Hamdamov, B. I. (2020). Dynamics of magnetic flux penetration into superconductor with power-law current–voltage characteristics. *Low Temperature Physics*, 46(10), 1001-1003.
- 13.Taylanov, N. A., Kanokov, Z., & Urinov, S. K. (2020, May). The excitation spectrum in a weakly interacting bose gas. In *IOP Conference Series: Materials Science and Engineering* (Vol. 862, No. 2, p. 022049). IOP Publishing.
- 14.SATTAROV, S., KHAMDAMOV, B., & TAYLANOV, N. (2014). Diffusion regime of the magnetic flux penetration in high-temperature superconductors; Diffuzionnyj rezhim proniknoveniya magnitnogo potoka v vysokotemperaturnye sverkhprovodniki.
- 15.Тайланов, Н. А., Жуманов, А. Х. У., & Маматмуродова, М. Ш. К. (2019). Диффузионный Режим эволюции термомагнитных возмущений в сверхпроводниках. *Вопросы науки и образования*, (30 (79)).
- 16.Bekmirzaev, R. N., Sultanov, M. U., Holbutaev, S. H., Jonzakov, A. A., & Turakulov, B. T. (2020). Multiplicity outputting of hadrons in cc-interactions at the momentum 4.2 a gev/c with different collision centralities. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(10), 900-907.
17. Ирматов Ф. М. Эффективность современных образовательных технологий в педагогическом процессе (на примере обучения физике). Научное знание современности. –Казан. 2019. -С. 34-37.
- 18.Ирматов Ф. М. Особенности обучения нефизическим специальностям студентов. Образование и культура. Международная научно-практическая конференция «Наука, образование, культура», Посвященная 29-ой годовщине Комратского государственного университета. Комрат. –С. 130-132.
- 19.Ирматов Ф. М. Эффективность модульного обучения физики для нефизических специальностей. Инновационные технологии в современном образовании. –С. 228-231.
- 20.Irmatov F. Advantages of teaching physics on the credit system. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12). - Great Britain. –P. 60-64.